

## Мусибатнинг сабабчиси ўзимиздир



16:37 / 21.01.2018 5007

Аллоҳ таоло айтади:

**“Сизга қайси бир мусибат етса, бас, ўз қўлингиз қилган касбдандир ва У Зот кўпини афв қилур.”** (Шууро сураси 30 оят.)

Яъни инсонга – хоҳ жонига, хоҳ молига, хоҳ бошқа нарсасига бирор мусибат етса, албатта, ўзи қилган гуноҳи сабабли етади. Инсоннинг ўзидан ўтмаса, унга бирор мусибат етмайди. Лекин ўта меҳрибон бўлган Аллоҳ бандасини ҳар бир гуноҳи учун мусибатга дучор қилавермайди, фақат баъзиси учунгина мусибатга дучор қилади, кўпини кечириб юборади. Агар Аллоҳ таоло инсонни ҳар бир айби учун мусибатга учратадиган бўлса, инсон дарҳол ҳалокатга юз тутар эди.

Имом Ибн Абу Ҳотим ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одам боласини бирор шох-шабба тирнаши, қоқилиб кетиши ёки томири тортишиши ҳам фақат ўзининг гуноҳи туфайли бўлади. Ундан кечириб юбориладигани жуда кўпдир», – деганлар.

Демак, инсон мусибатининг камроқ бўлишини истаса, гуноҳни камроқ қилиши керак. Бу оддий ҳақиқатни англаб олиш қийин эмас. Ҳозирги кунда

инсоният бошига келаётган барча мусибатлар иймонсизликдан,  
гуноҳкорликдандир.

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

*(Тафсири ҳилол китобидан)*